

ТИББИЙ ТАЪЛИМДА ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ШИФОКОРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



Хамдамова Мухайёхон Тухтасиновна, Уринова Шарофат Ахтамовна
Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш.

СОВРЕМЕННЫЕ ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В МЕДИЦИНСКОМ ОБРАЗОВАНИИ - ВАЖНЫЙ ФАКТОР ПОДГОТОВКИ ВЫСОКОКВАЛИФИЦИРОВАННЫХ ВРАЧЕЙ

Хамдамова Мухайёхон Тухтасиновна, Уринова Шарофат Ахтамовна
Бухарский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Бухара

MODERN INNOVATIVE APPROACHES IN MEDICAL EDUCATION IS AN IMPORTANT FACTOR IN THE TRAINING OF HIGHLY QUALIFIED DOCTORS

Khamdamova Muhkhayohon Tukhtasinovna, Urinova Sharofat Akhtamovna
Bukhara State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Bukhara

e-mail: muhayo-19169@mail.ru

Резюме. Мақолада тиббиёт олийгоҳлари гинекология фанини ўқитиш жараёнида бўлажак шифокорларнинг клиник тафаккурини шакллантириш технологиялари самарадорлигини илмий ҳамда экспериментал жиҳатдан асослаш ҳақида фикр юритилган.

Калим сўзлар: олий таълим, клиник тафаккур, гинекология фани, педагогик мулоқот.

Abstract. The article discusses the scientific and experimental substantiation of the effectiveness of technologies for the formation of clinical thinking of future doctors when teaching gynecology in medical universities.

Key words: higher education, clinical thinking gynecology, pedagogical communication.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида яратилган шарт-шароитлар, айниқса, ёш авлод тарбияси билан боғлиқ кенг қамровли саъй-ҳаракатлар йилдан-йилга такомиллашиб, ўз самарасини бериш билан бирга, тиббиёт тизимида ҳам катта ўзгаришларга мустаҳкам замин ҳозирламоқда. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш доирасида ихтисослаштирилган тиббий марказлар, биринчи бўғин соғлиқни сақлаш муассасаларининг кенг қамровли тармоғи, жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий медицина принципларига ўтиш ҳисобига, биринчи ўринда қишлоқдаги болалар ва аёлларга малакали тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш шарт-шароитлари таъминланди.

Диққатга сазовор томони шундан иборатки, Ўзбекистон тиббиёти бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб келмоқда. Бу муваққиятлар заминини ҳозирлашда мамлакатимизда таълим соҳасидаги улкан ислоҳатлар доирасида тиббиёт инфратузилмаси учун замонавий мутахассис кадрларни етказиб

берилаётганлиги ҳам муҳим омиллардан ҳисобланади.

Мамлакатдаги юз бераётган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар янги ўқув фанларини киритишда янги таълим стандартларини ишлаб чиқиш эҳтиёжинигина эмас, балки ўқитиш методикасини ўзгартиришни ҳам талаб қилади.

Давлатимиз раҳбари таълим тизимидаги ислоҳотларни янги сифат босқичига кўтариш борасида янги вазифаларни белгилаб берди. Ушбу вазифалар тиббиёт таълим соҳасига ҳам тааллуқли, албатта. Замонавий билимлар ва кўникмаларни чуқур ўзлаштиришган тиббий кадрларни тайёрлашнинг ўзига хос моделини татбиқ қилиш жараёни соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари, унинг тараққиётининг устувор йўналишларига хизмат қилишини назарда тутди.

Давлатимиз ривожланишнинг демократик йўлини танлаган экан, ҳозир ҳар доимгидан ҳам кўпроқ жамиятни қарор қабул қилишда иштирок этишга жалб қилиш керак. Бу ўқув аудиторияси ишига ҳам тегишли: талабалар ва ўқувчилар

машғулотларида янада актив бўлишлари керак. Таълим-тарбия жараёнида янги педагогик технологиялари ва ўқитишнинг интерактив методларни жорий этиш ва самарали фойдаланиш таълим олувчи ёшлар фаоллигини ошишига ёрдам беради.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида “Янги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиб, талабаларни ўқитишни жадаллаштириш” кўзда тутилган. Педагогик технологияни ўзлаштириб олган маҳоратли педагоглар учун мазкур усулнинг анъанавий усулдан кўра самарали эканлиги маълум. Бу эса педагоглар, профессор-ўқитувчилар учун кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда педагогик технологияни ўзлаштириш ва амалда қўллаш зарурлигини билдиради.

Бу технологиялардан бири ноанъанавий, яъни интерактив машғулот усуллари дир. Лотинчадан “inter”-ўзаро, “action”-мулоқот дир. Интерактив усулларида фойдаланишдан мақсад шуки, ўқув фаолиятини турли хил шаклда, кизақарли, сермазмун, энг муҳими самарали қилиб ташкил қилиш ва жадаллаштириш дир. Бунда талабанинг фикрлаш фаолияти фаоллашади, билими ортади, мустаҳкамланади, мулоқот фаолияти ривожланади, шахсияти шаклланади ва ўқув жараёнининг маҳсулдорлиги ортади. Маълумки, материални яхши ўзлаштириш учун шунчаки тинглаб, ёзиб ўтириш етарли эмас, балки шу материал устида фаол ишлаш, ўйлаб кўриш, муҳокама қилиб чиқиш, ёрдамчи вазифалардан фойдаланиш керак. Ҳозирги пайтда педагогларнинг асосий вазифаларидан бири талабада эркин фикрлаш, ташаббускорлик, мустақил шуғулланиш, мустақил ўқиш ва ривожланиш малакасини ҳосил қилиши дир. Агар талабалар орасида машғулотлар ўз вақтида ҳамда талабалар ва ўқитувчи ўртасида ўзаро муносабатнинг юқори даражаси кузатилса, бундай ўқитиш интерактив ўқитиш тури ҳисобланади. Бундай ўзаро муносабат одатда у ёки бу муаммони қандай ҳал қилиш ва таклиф этилган ечимни қанчалик мақбуллигини муҳокама қилиш шаклида юз беради.

Таълим жараёнида интерактив усуллар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи-талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари кидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланиши,

билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида талаба асосий фигурага айланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг барча тиббиёт олий ўқув юртларида ҳам назарий ва амалий билимларнинг муҳимлигини эътироф этган ҳолда, ўқув жараёнида замонавий инновацион ёндашувийғунлигида машғулотлар олиб борилади. Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти жамоаси ҳам бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари бўйича даволаш, педиатрия, стоматология, тиббий профилактика, тиббий биология ва халқ табobati соҳасидаги юқори малакали тиббиёт кадрларни халқаро талаблар ва стандартлар даражасида тайёрлашни янада такомиллаштириш, таълим жараёнини ташкил қилишнинг замонавий талабларига мос келадиган ўқув, ўқув-услубий базасини мустаҳкамлаш, илғор ахборот-коммуникация ҳамда таълим технологияларини жорий этиш йўлида ижодий изланишлар олиб бормоқда.

Ўзбекистон тиббий олий ўқув юртларида сингари Бухоро давлат тиббиёт институтида ҳам замонавий инновацион усуллар машғулотлар давомида кенг қўлланилиб келинмоқда. Маълумки, узоқ вақтлар давомида олий ўқув юртларида назарий ва амалий билимлар қай даражада, ўқув режасида уларнинг нисбати қандай бўлиши керак, бундай билимларни талабаларга қандай услуб ва воситалар орқали етказиш лозим деган баҳслар мавжуд бўлиб келган. Масалан, XIX асрга қадар, айниқса, тиббиёт олий ўқув юртларида икки ёндашувга асосланган ҳолда таълимни ташкил қилинганлиги маълум [1, 3, 5]. Хусусан, Францияда талабалар биринчи курсдан охириги курсгача шифокор касбини асосан, госпитал(касалхона) шароитида санитар, ҳамшира, фельдшер ва шифокор ёрдамчисининг кўникмаларини босқичма-босқич ўзлаштириб борганлар. Ўқув жараёни амалий услубларга йўналтирилган бўлиб, назарий маърузаларда эса талабаларнинг фақатгина амалиётда кўрганларини умумлаштириб борилар эди холос. Бунинг натижасида эса талабалар билимларида назарий бўшлиқларнинг юзага келишига олиб келарди. Германия тиббиёт олий ўқув юртларида эса бунинг аксини кўриш мумкин эди. Бу ерда кўпроқ талабаларга махсус билимлар бериш жараёнида назарий билимларга кенг ўрин берилиши туфайли уларда амалий билимларнинг етишмаслиги сезиларди [1, 2, 6]. XX аср давомида бу борада яқдил ёндашувга келинмаган.

Тиббиёт олий ўқув юртида таълим жараёнида қўлланиладиган инновацион услублар хусусида қисқача тўхталсак, ўқитувчи талабанинг

тиббий фанларни ўзлаштиришида қўллайдиган усул ва йўллар ҳам катта ўрин эгаллайди. Ўқитувчи машғулоти туридан келиб чиққан ҳолда (лекция, амалий машғулоти, case study (кейс-стади), муаммоли вазиятларни ҳал этиш ва ҳ) ўқитишнинг турли усулларидан фойдаланиши мумкин.

Масалан: таълимнинг энг муҳим анъанавий усулларидан бири бу сўз-тушунтириш усули; талабанинг тиббий фанларни ўзлаштиришида, уни тушунишда, эслаб қолишида, сўровларда фойдаланишида, айниқса кейинчалик, амалий фаолиятида қўллай олишида ўқитишнинг кўргазмали усуллари, турли фантомлар, экспонатлар, схема, жадваллар ва фойдаланиш

- талабанинг ўз ўқитувчиси раҳбарлигида амалий машғулотларда, айниқса унинг ўз маърузалари, тегишли мавзу бўйича вазифа ва топшириқларни ечиши, баҳс ва мунозараларда фаол иштирок этиши тиббий билимларга оид амалий кўникмаларни ўзлаштиришида “аклий хужум”, яъни аклий фаолият руҳи билан бойитилган эвристик усул; талабанинг ўз ўқитувчиси раҳбарлигида амалий машғулотларда маъруза ёки реферат, курс ишларини тайёрлашга йўналтирилган тадқиқот усули; таълим жараёнида техник воситалардан фойдаланиш усули (ўқув фильмлари, ахборот технологияларни қўллаш ва ҳ.); - амалий ўқитиш усули тиббиёт ўқув юрти дастури ва режаларидаги тиббий фанларни ўрганишда талабаларнинг аудиториядаги амалий машғулотлардан тортиб клиникаларда амалиётни ўташ ҳисобланади.

Буюк Конфуций айтган эди: “Мен эшитаман-у, унутиб қўяман. Мен кўраман-у, эслаб қоламан. Мен бажараман-у, тушуниб оламман”

Интерактив усулнинг мақсади: Машғулоти давомида бир вақтнинг ўзида ҳам профессор-ўқитувчи, ҳам талабани фаоллаштиришга йўналтириш. Қисқа вақт ичида юкори натижага эришиш.

Педогоглар тамонидан талабаларни баҳолашда Ассесментусулидан фойдаланиш яхши самара беради. “Ассесмент” техникаси (инглиз тилидан “баҳо”) демакдир. Ўз-ўзини текшириш ва баҳолашга қаратилган усул. Мазкур усул тарихи ўтган асрнинг 30-40 йилларига бориб тақалади [2, 4, 6]. Инглиз ва немис ҳарбийлари саводли ва тадбиркор офицерларни, ҳарбий ҳолатларни бошқара оладиган, адекват ҳаракатни амалга оширадиган малакали ҳарбийларни танлаб олиш учун шу усулни ишлаб чиқадилар. Кейинчалик бу усул тадбиркорлик оламига ҳам татбиқ этилади. Ишлаб чиқариш ва савдо компаниялар малакали топ-мененжерларни аниқлаш учун бу методдан фойдалана бошлайдилар. 50-йилларга келиб бизнес-

психологлар томонидан бу усул қўлланилиб, корхона ва ташкилотларни малакали мутахассислар билан таъминлаш хизмати йўлга қўйилади. У “The Assessment Centre” номини олади.

Бугун бу усул таълим тизимига ҳам жорий этилган бўлиб, талабаларнинг билим даражаси, малака ва кўникмасини баҳолашга хизмат қилади.

Ўқитувчи томонидан талабаларга жадвал кўринишдаги вазифаларни қисқа вақт ичида бажаришларни топшириқ сифатида берилади ва топшириқ бажарилганидан сўнг, жавоблар ўқитувчи томонидан эълон қилинади талабалар эса айнан жавобга кўра ўз-ўзини текширишни амалга оширади ҳамда олдиндан эълон қилинган мезонлар асосида баҳолайди. Бунда талабалар мавзу мазмунини қай даражада ўзлаштирганлиги бўйича ўз-ўзини текшириш ва баҳолаш орқали хулоса чиқарадилар.

Ушбу баҳолаш техникасининг мақсади таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникма, муаммоли вазият машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Бу усулни амалга ошириш учун талабаларнинг мавжуд билим даражасини ўрганиш, янги маълумотларни баён қилиш, мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек талабаларни ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин бўлади.

Мустақил шуғулланишга, изланиш ва қидиришга ёрдам берадиган педагогик йўналишлардан бири бу интерфаол усуллардир. Талабаларнинг таълим даражасини ошириш, чуқур фикрлашга йўналтириш, муаммо юзага келганда шароитга кўра тез хулоса қилиш каби кўникмаларини ривожлантиришда ва мавзунини яхши эслаб қолишлари учун тестлар, вазиятли масалалар қаторида интерфаол ўйинлар ҳам муҳим ўрин тутуди. Ўқитишнинг **интерфаол усуллари**-билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб, унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинган бўладилар, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Бу услублар талабаларда фикрни бир жойга жамлаш, мустақил фикрлаш, талабалар диққатини жалб этиш, тафаккурини ривожлантириш каби билим олиш учун муҳим

омилларни шакллантиради. Талабалар кизиқиб, ўзлари англамаган ҳолда янгиликни осон ўзлаштирадilar, эслаб қоладilar, ҳар хил вазиятларда ўзларини тутишни ўрганадилар.

Вазифалари:

- ўрганувчиларда ўрганилаётган мавзуга кизиқишни ҳосил қилиш;
- ўқув материални ўзлаштиришни янада мустаҳкамлашга эришиш;
- аналитик тафаккурни ривожлантириш;
- коммуникатив кўникмаларни шакллантириш;
- ўқув жараёнига барча ўрганувчиларни жалб этиш учун шарт – шароитлар яратиш;
- ўқув гуруҳида соғлом психолог муҳитни таъминлаш.

Сифат кўрсаткичлари:

- билимни фаоллаштириш, таълим потенциалидан фойдаланиш;
- юқори мотивация;
- мустақиллик, ташаббускорлик;
- ўз кучига ишониш.

Ташкил этиш:

- ўқиш жараёнига гуруҳнинг барча талабаларини жалб этиш;
- ҳар бир иштирокчи фикри эътиборга олинади;
- ҳар бир иштирокчи ўз фикрини айтиш ҳуқуқига эга (сўз эркинлиги);
- ўзаро ҳурматнинг юзага келиши;
- ишлаш учун ўқув хонасини тайёрлаш.

Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари клиник фанлар амалий машғулотида ҳам интерфаолусуллардан самарали фойдаланилади.

Жумладан:

I. Кичик гуруҳларда ишлаш усуллари:

“Ақлий ҳужум”, “Ким кўпроқ, ким тезроқ?”, “Ари уяси”, “Заиф ҳалқа”, “Муаммонинг ечими”, “Ручка – стол ўртасида”, “Ўргимчак ини”, “Юмалоқ стол атрофида” ва ҳ.к.

II. Ўқув жараёнини такомиллаштириш усули: “Вазиятли масалалар ечиш”, “Ролли ўйинлар ўйнаш”.

III. Умумий амалиёт шифокори ечиши лозим бўлган масалаларни ҳал этишда қўлланиладиган усуллар – ахборот технологиясини қўллаш (интерфаол CD – диск, интернет маълумотлари, PowerPoint компьютер программаси).

Бу турларни танлашда талабаларнинг курслари ҳисобга олинади, яъни, қуйи курсларда кичик гуруҳларда ишлаш ва ўқув жараёнини такомиллаштириш усуллари қўлланилса, юқори курсларда эса юқорида келтирилган барча усуллардан фойдаланилади.

Шунингдек, амалий машғулотларда графикли органиайзерлардан ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

Графикли органиайзерлар (ташкил этувчи) – фикрий жараёнларни кўргазмали тақдим этиш воситаси ҳисобланади.

Қуйида гинекология фани амалий машғулотида қўлланиладиган графикли органиайзерлардан мисоллар келтирилмоқда.

1.Кластер – (Кластер-тутам, боғлам) – ахборот харитасини тузиш йўли – барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғиш. Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва очиқ жалб қилишга ёрдам беради. Талабалар Кластерни тузиш қондаси билан танишадилар. Ёзув тахтаси ёки катта қоғоз варағининг ўртасига асосий сўз ёки 1-2 сўздан иборат бўлган мавзу номи ёзилади. Бирикма бўйича асосий сўз билан унинг ёнида мавзу билан боғлиқ сўз в тақлифлар кичик доирачалар “йўлдошлар” ёзиб қўшилади. Уларни асосий сўз билан чизиклар ёрдамида бирлаштирилади. Ёзув ажратилган вақт давомида ёки ғоялар тугагунича давом этиши мумкин. Муҳокама учун кластерлар билан алмашинадилар.

2.Тоифалаш жадвали.

Тоифа – хусусият ва муносабатларни муҳимлигини намоён қилувчи (умумий) аломат. Ажратилган аломатлар асосида олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди. Тизимли фикрлаш маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштири кўникмаларини ривожлантиради

3.Концептуал жадвал – ўрганилаётган ходиса, тушунча, фикрларни икки ва ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашни таъминлайди. Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради

4.“Нима учун?” схемаси – муаммонинг дастлабки сабабларини аниқлаш бўйича фикрлар занжири. Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлашни ривожлантиради ва фаоллаштиради.

5.Балиқ скелети чизмаси – бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

6.Қуйидан юқорига босқичма – босқич бўйсунувчи **“Қандай?” диаграммаси.** Муаммо тўғрисида умумий тасаввурларни олиш имконини берувчи, мантиқий саволлар занжири. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Юқорида келтирилган каби яна кўплаб, “Пирамида”, “Поғона”, “Венна диаграммаси” ва бошқа графикли органиайзерлардан амалда кенг қўлланилади.

Амалий машгулотларда интерфаол ўйинлар ва графикли органайзерларни қўллаш натижасида шундай хулосаларга келинди:

1. Аниқ қўйилган муаммони тез ва ўз вақтида хал қилинади.

2. Ҳар бир ўқувчи дарсда, фаол ва қизиққан ҳолда ишлаши ўз навбатида, уларда изланувчанликни, чуқур ўрганувчанликни яратади. Ҳаттоки, энг пассив талаба ҳам қўйилган масалага зўр иштиёқ билан бор кучини қаратиб, ўз ўртоқларининг юзини ерга қаратмаслик учун ҳаракат қилади.

3. Талабаларни ўз фикрини ўртага ташлаш, дискуссия ва муҳокамаларда иштирок этиш, бир-бирига ва ўқитувчига саволлар бериш, курсдошларининг жавобларини муҳокама қилиш қўйилаётган масалаларнинг ечимини тўғри топишда ёрдам беради. Шу билан бирга талабаларда ўрганилаётган мавзунини қабул қилиш ва эслаб қолиш, диққатини жалб қилиш ва манتيқий фикрлашни жамлайди.

4. Дарсга тўлиқ тайёрланиб келмаган талаба дарсни тинглаб, бошқа талабалар берган жавобларни эшитиб ва тушуниб олиб, дарс ниҳоясида мавзу юзасидан кўпроқ билимга эга бўлади. Демак, оғзаки сўров вақтида маълум бир саволга жавоб бера олмаган талаба дарс охирида (интерфаол ўйин ўтказиладиган вақтда) шу саволнинг ечимини топганини билиши ва бу билиминини мустақамлаши мумкин.

Демак, таълим сифати ва самарадорлигини оширишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш, ҳар бир ўқув предметининг ўзига хос хусусиятларига монанд ёндашиш, педагогнинг ўқитишнинг усуллари ва йўлларининг энг тизимини танлай олган ҳолда дарс жараёнининг тўғри ташкил этиши муҳим роль ўйнайди.

Адабиётлар:

1. Абрамов А.Г., Булакина М.Б., Иванников А.Д., Сигалов А.В. Электронная учебно-методическая

библиотека информационной системы «Единое окно доступа к образовательным ресурсам»: опыт формирования и перспективы развития // Дистанционное и виртуальное обучение. – 2008.

2. Болучевская В. В., Павлюкова А. И., Сергеева Н. В. Общение врача: особенности профессионального взаимодействия // Медицинская психология в России: электрон. науч. журн. 2011. № 3. URL: [http:// medpsy.ru](http://medpsy.ru)

3. Варганян Ф. Е. Этические аспекты современного здравоохранения. // Здравоохранение. – № 2008. – № 3. – С. 12–14.

4. Двучинская Н.Н. Интерактивные методы обучения как средство формирования ключевых компетенций – М.: МГТУ им. Н.Э. Баумана, 2011. С.120

5. Сборник материалов. Роль педагогических технологий и методов обучения в формировании общих и профессиональных компетенций будущего специалиста. Особенности дидактики современного занятия / под ред. акад. РАЕН, д.м.н., проф. В. П. Смирнова, 2012. С.125-128.

6. Сборник материалов. Реализация компетентностного подхода на занятиях во внеаудиторной деятельности / под ред. акад. РАЕН, д.м.н., проф. В. П. Смирнова и к.б.н. А. А. Алексеенко, 2013. С.12-21.

СОВРЕМЕННЫЕ ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В МЕДИЦИНСКОМ ОБРАЗОВАНИИ - ВАЖНЫЙ ФАКТОР ПОДГОТОВКИ ВЫСОКОКВАЛИФИЦИРОВАННЫХ ВРАЧЕЙ

Хамдамова М.Т., Уринова Ш.А.

Резюме. В статье рассматривается научно-экспериментальное обоснование эффективности технологий формирования клинического мышления будущих врачей при преподавании гинекологии в медицинских вузах.

Ключевые слова: высшее образование, клиническое мышление, гинекология, педагогическое общение.